

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИЕВ ИЛЁС ХАКИМОВИЧ

**ИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИ МОДДАЛАРИНИНГ
ЮҚОРИ САМАРАЛИ СУЮҚЛИК ХРОМАТОГРАФИЯСИ**

02.00.04 - Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рузиев Илѐс Хакимович

Изохинолин қатори моддаларининг юқори самарали суюқлик
хроматографияси..... 3

Рузиев Илѐс Хакимович

Высокоэффективная жидкостная хроматография соединений
изохинолинового ряда 21

Ruziev Ilyos Khakimovich

High performance liquid chromatography of compounds of the
isoquinoline series..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РЎД.03/30.12.2019.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИЕВ ИЛЁС ХАКИМОВИЧ

**ИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИ МОДДАЛАРИНИНГ
ЮҚОРИ САМАРАЛИ СУЮҚЛИК ХРОМАТОГРАФИЯСИ**

02.00.04 - Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/K92 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мухаммадиев Нурали Қурбоналиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Эшмаматова Нодира Бахрамовна
кимё фанлари доктори, доцент

Дустов Сайфулло Идиевич
кимё фанлари номзоди, доцент


Етақчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти


Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли илмий кенгашнинг “15” 07 2021 йил соат “10”³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» 07 да тарқатилди.
(2021 йил «1» 07 даги 11 - рақамли реестр баённомаси)




А.М. Насимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор


Ш.М. Сайиткулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
к.ф.н., доцент


Р. Нормакматов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда моддаларни ажратиш усуллари, жумладан хроматография физик-кимёвий тадқиқот, ажратиш ва моддаларни сифат ва миқдорий аниқлаш усули сифатида замонавий кимё ва ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ва асбобсозлигида салмоқли ўринга эга. Хроматография усулларида оддий молекулалардан тортиб вирусларгача, мураккаб таркибли синтетик ва табиий аралашмалар таркибидан ташкил этувчи компонентларни ажратиш ва аниқлаш, экологик мониторингини амалга ошириш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, патологик жараёнларни баҳолаш мумкин, ҳамда турли детекторларнинг қўлланилиши усулларнинг сезгирлиги (10^{-14}) ва аниқлигини оширишга олиб келди. Шу билан бир қаторда хроматографияни, жумладан юқори самарали суюқлик хроматографиясини (ЮССХ) қўлланилиш чегарасини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда гетероциклик бирикмалар таркибида гетероатомли дискрепторлар бўлганлиги учун улар турли физиологик хоссаларни намоён қилганлиги туфайли азот сақловчи гетероциклик бирикмаларни синтез қилиш, реакция механизми ва олинган маҳсулотларнинг физиологик фаолликларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, турли физиологик, жумладан фармокологик хоссаларни намоён қилиб, турли кассаликларни даволашда қўлланиладиган қатор моддаларни синтез қилиш, уларнинг тузилиши ва кимёвий реакция қобилиятларини аниқлаш, гетероциклик бирикмалар идентификацияси ва реакциялар кинетикасини таҳлил этиш ҳамда юқори самарали суюқлик хроматографиясини қўллаб, уларнинг ушланиш қонуниятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда хроматогафик моделлаш ва мақбуллаштириш, уларни турли жараёнларни ўрганишда қўллаш, гетероциклик бирикмаларни ўсимликлар таркибидан ажратиш олиш, уларни синтез қилиш, тузилишини аниқлаш ва хоссаларини текшириш бўйича ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, тадқиқотнинг замонавий усулларини яратиш, юқори самарали суюқлик хроматографияси шароитида ушланиш қонуниятларини, сорбция термодинамикаси, реакциялар кинетикасини таҳлил этиш, физиологик фаол моддалар олиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 28-декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида”, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бир вақтнинг ўзида мураккаб таркибли аралашмалар таркибидан ташкил этувчи моддаларни ажратиш ва аниқлашга имкон берадиган суяқлик хроматографиясининг назарий асослари, унинг физик кимёвий тадқиқот усули сифатида кимё, моддаларнинг сифат ва миқдорий анализи, реакциялар кинетикаси ва термодинамикасини ўрганиш, фармацевтикада доривор препаратларни сертификатлаш, экологик мониторинг, озиқ-овқат маҳсулотлар сифатини баҳолаш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Бу борада Kumar A., Schuster G., Rafferty J. L., Periat A., Guillaume D., Tosti T., Sentkowska A., Bi W., Li Y., Gritti F., Киселев А.В., Сакодинский К.И., Волков С.А., Яшин Я.И., Беленький Б.Г., Даванков В.А., Ланин С.Н., Никитин Ю.С., Шербакова К.Д., Курбатова С.В., Агеев А.Н., Онучак Л.А., Шпигун О.А. ва бошқаларнинг хизматлари салмоқли бўлиб, натижада юқори селективлик ва самарадорликни характерловчи колонкада борадиган ажралиш жараёнларининг кинетикаси ва термодинамикаси ҳақидаги тасаввурлар ишлаб чиқилган, узлуксиз ва автоматлашган хроматографлаш жараёнларни амалга оширишга имкон берадиган қурилмалар яратилган, мураккаб таркибли аралашмаларни ажратиш ва аниқлашнинг услубий таъминоти ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига Н.С.Зокиров, Б.Ж. Кабулов, Х.М.Шоҳидоят, Н.Қ.Мухаммадиев, Қ.Ф.Халилов, Ш.В.Абдуллаев, С.И.Дустов ва бошқалар ўзларининг хроматографик жараёнларни ўрганиш, хроматографиянинг мураккаб таркибли синтетик ва табиий аралашмаларни ажратиш ва улар таркибини сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш каби муаммоларини ҳал этишга қаратилган изланишлари билан салмоқли ҳисса қўшишган.

Шунга қарамасдан адабиётларда изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларнинг ЮССХси борасида илмий тадқиқотлар қайд этилмаган,

уларнинг термодинамикаси ва синтези кинетикаси бўйича ишлар илмий манбааларда келтирилмаган. Шунинг учун ҳам изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларнинг ЮССХси, термодинамикаси ва реакциялар кинетикасини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф7-83 “Хроматографик жараёнларни моделлаш, мақбуллаш ва “Ушланиш катталиклари - хоссалари” ўзаро боғлиқликларни ўрганиш ва уларни нанохроматографияда қўлланилиши” фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори самарали суюқлик хроматографиясида баъзи азот сақлаган гетероциклик бирикмаларнинг ушланиши, сорбция термодинамикаси ва синтез реакциялари механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилалари хроматографик ушланишининг ўзига хослигини тадқиқ этиш;

изохинолин ҳосилаларининг физик-кимёвий параметрлари ва хроматографик ушланишини улар молекулаларининг топологияси билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш.

баъзи азот сақловчи гетероциклик бирикмалар сорбцияланиш термодинамик функцияларини элюент таркибига боғлиқ ҳолда таҳлил этиш;

изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларини синтез қилиш реакцияларининг кинетик параметрларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тоза ҳолдаги изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилалари, конденсатланиш ва циклланиш реакцияларининг мураккаб аралашмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тоза ҳолдаги изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг ЮССХ шароитида ушланиш қонуниятлари, сорбция термодинамикаси ҳамда конденсатланиш ва циклланиш реакцияларининг кинетикасини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда юқори самарали суюқлик хроматографияси, газохромато-масс-спектрометрия (ГХ-МС), квант кимёвий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЮССХ шароитида тоза ҳолдаги изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг хроматографик ушланиш катталиклари аниқланган;

бирикмаларнинг ушланиш характеристикаларини уларнинг физик-кимёвий ва топологик параметрларига бўлган боғлиқликларни исботланган;

ЮССХ шароитида тоза ҳолдаги изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг сорбцияланиш энтальпияси ва энтропияси аниқланган;

изохинолин ҳосилалари синтезида қўлланилган конденсатланиш ва циклланиш реакцияларининг кинетик катталиклари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮССХ шароитида аниқланган ушланиш қонуниятлари изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг тузилиши ва топологик индекслар ёрдамида уларнинг хроматографик колонкада ушланиш вақти баҳоланган;

ЮССХ шароитида изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг сорбцияланиш энтальпияси ва энтропиясининг маълумотлар базаси яратилган;

ЮССХ аниқланган мақбул шароитларида конденсатланиш ва циклланиш реакцияларининг кинетик параметрлари баҳоланган;

аниқланган мақбул шароитлар турли синтетик ва табиий доривор препаратлар таркибидан изохинолин ҳосилаларининг сифат ва миқдорий таркиби аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Асосий илмий ҳолатлар, хулосалар юқори самарали суюқлик хроматографияси, газохромато-масс-спектрометрия (ГХ-МС), физик-кимёвий ҳамда статистик усуллардан фойдаланиб олинган натижалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг аниқланган ушланиш қонуниятлари гетероциклик бирикмалар хроматографияси ва термодинамикасига оид маълумотларни бойитганлиги ҳамда конденсатланиш ва циклланиш реакциялари кинетикасини баҳолашда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мураккаб таркибли турли синтетик ва табиий аралашмалар таркибидан ташкил этувчи яқка тартибдаги изохинолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларини идентификациялаш ва миқдорий таркибини аниқлаш ҳамда конденсатланиш ва циклланиш реакциялари давомида реагентлар ва маҳсулотлар миқдорини назорат қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Изохинолин қатори моддаларининг ЮССХси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табиий бўёқлар таркибидан гетероциклик бирималарни аниқлаш усули МЧЖ шаклидаги “ATUSH MINNAT TEXTILE” Ўзбекистон-Туркия ҳорижий корхонасида амалиётга жорий этилган (МЧЖ шаклидаги “ATUSH MINNAT TEXTILE” Ўзбекистон-Туркия ҳорижий корхонасининг 2020 йил 18 декабрдаги 21-01/2020-сонли маълумотномаси). Натижада табиий бўёқлар таркибидан гетероциклик бирикмаларни аниқлашнинг тезкор ва намунани тайёрламасдан ўтказиш ҳамда чиқинди сувнинг экологик мониторингини амалга ошириш имконини берган.

табиий бўёқлар таркибидан гетероциклик бирималарни аниқлаш усули МЧЖ шаклидаги “AHMAD ISROIL TEX” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (МЧЖ шаклидаги “AHMAD ISROIL TEX” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 2020 йил 10 декабрдаги 25-01/2020-сонли маълумотномаси). Натижада табиий бўёқлар таркибидан гетероциклик бирикмаларни аниқлашнинг тезкор ва намунани тайёрламасдан

Ўтказиш ҳамда чиқинди сувнинг экологик мониторингини амалга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Суюқлик хроматографиясида ушланиш жараёнларининг механизмлари ва гетероциклик бирикмаларнинг ЮССХ”** деб номланган I бобида мурожаат фазали юқори самарали суюқлик хроматографиясида (МФ ЮССХ) ушланиш механизмлари ва уларни тасвирлашдаги назарий ёндашувлар, кўзгалмас фазалар структураси, суюқлик хроматографиясида элюент сифатида кўлланиладиган компонентларнинг тузилиши ва хоссалари, хроматографик ушланишларини ифодалашда сорбатлар физик-кимёвий ва топологик дескрипторларининг ўрни ҳамда гетероциклик бирикмаларнинг ЮССХ га доир илмий нашрларда чоп этилган ишларга шарҳлар берилган ва улар умумлаштирилиб, тадқиқот гетероциклик бирикмалар, жумладан пиримидинон-4 ва изохинолин ҳосилалари ва уларни тадқиқ этиш усули сифатида модда МФ ЮССХ дан фойдаланиш ва у асосида ушланиш қонуниятлари ва сорбция жараёнларининг термодинамикасини ўрганиш долзарб муаммолардан бири эканлиги асосланган.

Диссертациянинг II боби **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** га бағишланган бўлиб, унда тадқиқот объекти сифатида олинган гетероциклик бирикмалар, жумладан Самарқанд давлат университети органик кимё кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси ФА ўсимлик моддалар кимёси илмий-тадқиқот институтида к.и.х. В.И.Виноградова раҳбарлигида синтез

қилинган изохинолин ҳосилалари ва амидлар ҳамда проф. Х.М.Шохидоятлов раҳбарлигида синтез қилинган пиримидинон-4 ҳосилаларининг физик-кимёвий характеристикалари келтирилган. Тадқиқот усули сифатида олинган МФ ЮССХ да ишлатиладиган кўзгалмас фазалар, элюентлар, детекторлаш тизимлари, дастурий таъминот ва бошқалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бир қаторда молекуляр ва топологик дискрипторларни ҳисоблаш учун ишлатиладиган e-dragon (<http://146.107.217.178/lab/edragon>) дастури ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Диссертациянинг III боби “**Структура - ушланиш катталиги**” ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни таҳлил этишга бағишланган бўлиб, унда моддаларнинг структур параметрлари сифатида топологик индекслар олинган.

Топологик индекслар, жумладан Винер индекслари бўйича олинган натижалар “Ушланиш катталиги – структура” ўзаро боғлиқликларини ўрганишда ишлатилди. Топологик дескрипторлар қийматларини ҳисоблаш учун e-dragon дастуридан фойдаланилди. Бунинг учун <http://146.107.217.178/lab/edragon/> га мурожаат қилинади. Дастур ёрдамида ҳар бир модда учун 119 та топологик индексларнинг қийматлари ҳисоблаб топилди. Ҳисобланган топологик дескрипторларнинг модда ушланиш вақти логарифмик қиймати билан ўзаро боғлиқликлари ўрганилди. Боғлиқлик даражаси корреляция коэффицентини (r) ҳисоблаш орқали баҳоланди. Шу билан бир қаторда lgt нинг баъзи топологик дескрипторлар, жумладан Винер индекслари билан боғлиқлари график кўринишда 1-расмда келтирилган.



1-расм. lgt нинг WW га боғлиқлик графиги

1-расм ва бошқа олинган натижалар асосида шуни қайд этиш мумкинки, lgt нинг баъзи топологик индекслар, жумладан W, WW, Wap, WhetZ, Whetm, Whety, Whete, Whetp кабилар билан юқори корреляцион боғлиқликни ($r > 0,970$) намоён қилди.

Изохинолин қатори ҳосилаларининг хроматографик ушланиш моделлари. Бугунги кунда суюқлик хроматография назариясида

хроматографик система параметрларини сорбатларнинг турли электрон, шунингдек электрик, ван-дер-ваальс ҳажм ёки қайнаш температураси ва бошқа шунга ўхшаш физик-кимёвий характеристикалар билан боғловчи кўп сондаги ушланиш моделлари маълум. Бироқ, сорбент билан тўлдирилган хроматографик колонка ва у орқали ҳаракатдаги элюент оқими билан борадиган жараёнда, яъни кўп компонентли системада суюқлик хроматографияси шароитида барча хилма-хил ўзаро таъсирларни ҳисобга олиш анча мураккаб. Шу сабабли ҳозиргача ҳар қандай хроматографик системани тўла тасвирлаб берадиган универсал ушланиш модели ишлаб чиқилмаган.

Суюқлик хроматографиясида модда ушланишини олдиндан башоратлашда ҳаракатчан фаза муҳим ўрин тутгани учун хроматографик ушланиш параметрларини ҳаракатчан фазанинг элюирловчи кучи ёки бинар элюентдаги модификатор миқдори билан боғловчи ярим эмпирик адсорбцион моделлар қўлланилади. Улар орасидан ушланиш параметрларининг ҳаракатчан фазадаги модификатор миқдорига бўлган чизиқли боғлиқликни ифодаловчи Снайдер-Сочевинский ва Скотт-Кучерларнинг моделлари анча кенг тарқалганлиги учун баъзи изохинолин қатори ҳосилаларининг ушланиш катталиклари ва элюент таркиби орасидаги боғлиқликни аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Баъзи пиримидинон-4 ва изохинолин қатори ҳосилаларининг юқори самарали суюқлик хроматографиясида ушланиш катталикларини аниқлаш ишлари УБ детектори билан жиҳозланган “Agilent-1200” суюқлик хроматографида бажарилади. Ажратиш шароитлари: детекторлаш 254 нм тўлқин узунлигида олиб борилди. Ўлчами 4,0 × 250 мм бўлган хроматографик колонка зарачалар ўлчами 5 мкм бўлган Eclipse XDB C-18 сорбенти билан тўлдирилган. Элюент сифатида ацетонитрил-сув аралашмаси қўлланилиб, бунда ацетонитрилнинг миқдори 10 % дан 20% гача ташкил этди. Ҳаракатчан фазани тайёрлашда дистирланган сув ва ацетонитрил қўлланилди. Элюрлаш изократик режимда олиб борилди, элюентнинг ҳажмига кўра сафланиши 400 мкл/мин ни ташкил этди. Сорбат эритмалари (концентрацияси 10^{-4} моль/л) тегишли ҳаракатчан фазада яқка тартибда намналарни эритиш орқали тайёрланди. Хроматографик колонкага юбориладиган намуна ҳажми 20 мкл.

Хроматограммаларни қайд этиш ва қайта ишлаш “Z-Lab” дастури ёрдамида бажарилади.

Моддаларнинг хроматографик колонкада ушланиши k катталиги орқали ифодаланди:

$$k = (t_R - t_M) / t_M,$$

бунда t_R — текшириляётган бирикманинг ушланиш вақти;

t_M — сорбцияланмайдиган компонентнинг (NaNO_2) ушланиш вақти;

Ажралиш омили қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланди:

$$\alpha_{A/B} = \frac{k_A}{k_B},$$

бунда k_A ва k_B – тегишлича А ва В сорбатларнинг ушланиш омиллари.

Харакатчан ҳажмий ва сорбцион сирт фазалар орасидаги тақсимланиш коэффиценти қўйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$K_x = 1 + k \frac{V_M}{V_A},$$

Бунда V_M ва V_A – тегишлича ҳаракатчан фаза ва сирт сорбцион фазаларнинг ҳажмлари.

Снайдер-Сочевинский моделида ушланиш омили логорифмик қийматининг ҳаракатчан фазадаги органик модификатор моль улушига N_B бўлган боғлиқлигини тасвирлаш учун қуйидаги формула қўлланилган:

$$\lg k = a - n \lg X_m,$$

бунда n – кучли сорбирланадиган компонент эгаллаган майдоннинг сорбатнинг умумий майдонига бўлган нисбати ($n = \frac{A_S}{A_m}$, бунда S адсорбат

молекулалар ҳаракатчан фазанинг анча кучли адсорбирланувчи компонент молекулалар майдонларининг нисбати) ёки адсорбцион комплекс ҳосил қилишда (Сочевинский бўйича) иштирок этувчи сорбат фаол марказлари сони. Шу билан бирга ушбу тенгламанинг қуйидаги кўринишдаги модификацияси ҳам қўлланилади:

$$\lg k = b - p \lg C,$$

бунда p – сорбент сиртидан битта сорбат молекуласи ёрдамида сиқиб чиқариладиган органик модификаторнинг молекулалар сони; C – модификаторнинг моляр концентрацияси.

Скотта моделида ушланиш фактори катталигини ҳаракатчан фазадаги органик модификатор миқдоридан бўлган чизиқли боғлиқлик қўлланилган:


$$1/k = a + b \cdot x_m.$$

Бу боғлиқлик кўп ҳолларда ҳаракатчан фазадаги модификатор миқдорини ортиши билан адсорбатнинг ушланишини ва унда содир бўладиган адсорбент бир жинсли юзасидаги фаол марказларни кетма-кет тузилишдаги қарама-қарши бант ўзгаришини яхши ифодалайди.

Қайд этилган моделлар изохинолин қатори ҳосилаларининг ушланишини тасвирлашда қўлланилади. Уларнинг амал қилиш даражасини баҳолаш учун уч параметрли тенглама бўйича ушланиш омили тажрибавий қийматининг ($\lg k_{exp}$) назарийга ($\lg k_{naz}$) нисбатан боғлиқнинг графиги 2-расмда келтирилган. Графикдан кўришиб турибдики, ушланиш омилининг назарий ҳисобланган ва тажрибада олинган қийматлари мос келади.


Шу билан қаторда пиримидинон ҳосилалари ушланиш факторининг модификатор моляр концентрациясига бўлган боғлиқлигини $\lg k = b - \lg C$ тенглама билан ифодалаш мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Тажриба маълумотларининг Снайдер-Сочевинский модели ёрдамида ифодаланиши 3-расм ва 1-жадвалда келтирилган бўлиб, унда ушланиш омили ва ҳаракатчан фаза таркиби орасидаги боғлиқлик концентрациянинг кенг интервали учун Скотт-Кучер модели орқали ифодаланган.



2 – расм. Уч параметрли тенглама бўйича ушланиш омили тажрибавий қийматининг (lgk_{exp}) назарий ҳисобланганга (lgk_{naz}) бўлган боғлиқлиги

Улар асосида ҳаракатчан фазадаги ацетонитрил концентрацияси оралиғининг кенгайтириш модел адекватлигининг пасайтирилишига олиб келади деган хулосага қилиш мумкин. Бу далил айтиш модел нормал-мурожат фазали ЮССХси учун ишлаб чиқилганлиги, чизиқли боғлиқлик эса гидрофоблиги юқори бўлган моддалар учун, шунингдек, модификаторнинг чегараланган концентрацияларида бажарилиши билан изоҳланади.



3–расм. Пиримидинон ҳосилалари учун lgk нинг органик модификатор моль улушига боғлиқлиги - Снайдер-Сочевинс-кий модели (1 - 2-тио-6-метилпири-мидинон; 2 - 6-метилурацил; 3 - дезоксивазицинон; 4-хинолин; 5- изохинолин)

Олинган натижалардан шуни айтиш мумкинки, Скот-Кучер модели изохинолин ҳосилаларининг хроматографик колонкада ўзини тутишини қониқарли ифодалайди.

**Изохиолин ҳосилалари учун Скотт-Кучер моделининг
корреляция коэффициентлари**

Сорбат	Корреляция коэффициенти, r^2	Сорбат	Корреляция коэффициенти, r^2
Дезоксивазицинон	0,967	5-амино-2- нитропиридин	0,998
5-ацетилпиридин	0,988	N-метилцитизин	0,965
Хинолин	0,954	Триакантин	0,961
Изохиолин	0,973	6-метилурацил	0,995

Ҳаракатчан фаза таркибини ўзгартиришдан сорбатларнинг элюрлаш тартиби бир қанча истисноларни ҳисобга олган ҳолда бир бутунлигича сақланиб қолади. Ҳаракатчан фазада сувнинг миқдори нисбатан оз бўлганда (10, 20% ҳажмий) изохиолин, таркибида кутбли нитрогуруҳ сақлаган ва ўз навбатида ҳаракатчан фаза билан ўзига хос ўзаро таъсирлаша оладиган 5-амино-2-нитропиридинга қараганда кучлироқ ушланади. Шу билан бир қаторда элюент таркибидаги сув миқдорининг ошиб бориши компонентларнинг элюирланиш кетма-кетлигини ўзгартиради. Бу таъсирни ҳаракатчан фазадаги солвофоб ўзаро таъсирларни кучайиб боришида дисперсион кучлар ўрнини ошиб бориши билан тушунтириш мумкин.

Шундай қилиб, Снайдер-Сочевинский ва Скотт-Кучер моделларини хроматографик системалардаги органик модификаторнинг чегараланган концентрациялари интервалидагина қўллаш мумкин деган хулосага олиб келди.

Пиримидинон-4 ва изохиолин ҳосилаларининг ушланишига хроматографлаш шароити ва сорбат структураларнинг таъсири. Юқори самарали суюқлик хроматографияси биологик фаол моддалар, хусусан, изохиолинлар ва улар ҳосилаларининг таҳлилида, шунингдек “тузилиш-хосса-фаоллик” ўзаро боғлиқлигини ўрнатишда қўлланиладиган истиқболли усуллардан бири эканлигини ҳисобга олиб қайд этиш мумкинки, гетероциклик, жумладан, изохиолин ва пиримидинон-4 ҳосилаларининг ЮССХ усулида таҳлили сорбатларнинг хроматографик колонкадаги ҳолатини аниқлаш, намуналар тозаллигини назорат қилиш ва бирикмаларнинг термодинамик ва ушланиш катталикларини олдиндан айтиш имконини беради. Шунинг учун ҳам пиримидинон-4 ва изохиолин ҳосилаларининг ушланишига хроматографик шароитлар ва сорбатлар структураларининг таъсири ўрганилди.

Ҳаракатчан фаза табиатининг хроматографик ушланишга бўлган таъсирини ўтганиш учун элюент сифатида ацетонитрилнинг сув билан турли ҳажмий нисбатлардаги (60:40, 70:30, 75:25, 80:20, 85:15) аралашмаси қўлланилди.

Олинган маълумотлар асосида шуни қайд этиш мумкинки, текширилган бирикмалар ажралишининг юқори селективлигини таъминлаш учун

таркибида 15 % органик модификатор (CH_3CN) бўлган элюент энг яхши натижа берди, яъни текширишга жалб этилган моддалар тўлиғича ажратилди ($R_s > 0,75$).


Харакатчан фаза таркибини ташкил этувчи ацетонитрил текширишга жалб этилган пиримидинон-4 ва изохинолин ҳосилаларига нисбатан юқори мойилликни намоеън этади. Шу билан бир қаторда сорбатларнинг сувнинг қутбли молекулалари билан ўзига хос ўзаро таъсирлашуви билан бир қаторда уларнинг ацетонитрилнинг нитрил гуруҳи билан донор-акцептор таъсирлашуви кузатилди, бу эса резонанс туфайли углерод атоми қисман мусбат зарядга эга бўлади, яъни $H_3C - C \equiv N \leftrightarrow H_3C - C^{+\delta} N^{\delta-}$. Шундай қилиб, сорбатларнинг қўзғалмас фаза билан дисперсион ўзаро таъсирлашувлари билан аниқланаётган текшилган бирикмаларнинг ушланиши уларнинг модификатор билан бўлган ўзаро таъсирга сезиларли боғлиқдир.

Элюентдаги ацетонитрилнинг ўзгармас концентрациясида сорбатларнинг ушланиши ўринбосарларнинг табиати ва уларнинг ўзаро жойлашувиға ҳам кучли боғлиқ бўлади.

Хроматографик ушланишга ўринбосарлар табиатидан ташқари молекуладаги ўринбосарлар жойлашуви кучли таъсир этади. Носимметрик тузилишдаги сорбатлар колонкадан симметрик тузилишдагиларға қараганда секин элюирланади. Бунга сабаб носимметрик тузилишдаги молекулаларда ички молекуляр водород боғ ҳосил бўлишидир. Бу эса сорбат молекулаларнинг ҳаракатчан фаза компонентлари билан бўлган ўзига хос ўзаро таъсирларнинг камайишиға олиб келди ва натижада қутбсиз сорбент билан бўлган дисперсион ўзаро таъсирлар ортди.

Ушланиш катталикларининг қийматларига асосланиб азот сақловчи баъзи пиримидинон-4 ва изохинолин қатори ҳосилалари адсорбциясининг Гиббс энергияси ўзгариши ΔG , дифференциал моль энтальпияси (ΔH) ва энтропияси (ΔS) қийматлари турли таркибдаги элюент ($H_2O:CH_3CN = 60:40, 70:30, 75:25, 80:20, 85:15, 90:10$) ва теператураларда ($283 \div 323$ К) қуйидаги формуладан фойдаланиб график усулида аниқланди (4-расм):

$$\ln K_x = - \frac{\Delta G}{RT} = - \frac{\Delta H}{RT} + \frac{\Delta S}{R}.$$



4-расм. $\ln K$ нинг $1/T$ га боғлиқлик графиклари

Текширилган барча пиримидинон-4 ва изохинолин ҳосилалари учун аниқланган Гиббснинг дифференциал моль энергиясининг ўзгариши манфийдир (2-жадвал). Бу эса текширилган бирикмаларнинг кутбли эритувчили аралашмадан сорбентнинг кутбсиз сиртидаги мувозанатни сорбцияланиш томонига силжишга олиб келди.

2-жадвал


Гетероциклик азот сақловчи баъзи пиримидинон ва изохинолин ҳосилалари адсорбциясининг дифференциал моль Гиббс энергияси, энтальпияси (ΔH , кЖ/моль) ва энтропияси (ΔS , Ж/(моль-град.) ўзгариш катталиклари (ΔG , кЖ/моль; $T = 323 \text{ K}$)

Сорбат	Ҳаракатчан фаза таркиби ($\text{H}_2\text{O}/\text{CH}_3\text{CN}$)					
	60/40			75/25		
	ΔG	ΔH	ΔS	ΔG	ΔH	ΔS
1	-1,150	-13,8	-39,16	-1,519	-14,2	-39,26
2	-0,732	-13,4	-39,22	-1,179	-12,8	-35,98
3	-0,496	-12,9	-38,40	-0,998	-12,7	-36,23
4	-1,819	-14,3	-38,64	-3,206	-14,2	-34,04
5	-0,667	-13,8	-40,66	-1,214	-12,8	-35,87
6	-0,904	-15,0	-43,64	-1,451	-12,7	-34,83
7	-1,507	-15,4	-43,01	-2,737	-14,2	-35,49
8	-2,224	-13,2	-33,98	-3,704	-12,8	-28,16
	80/20			90/10		
1	-1,926	-12,7	-33,36	-4,02	-12,8	-27,18
2	-1,514	-14,2	-39,28	-2,65	-12,7	-31,11
3	-1,198	-12,8	-35,92	-1,76	-14,2	-38,51
4	-4,001	-12,7	-26,93	-8,12	-12,8	-14,49
5	-1,546	-14,2	-39,18	-3,11	-12,7	-29,69
6	-1,875	-12,8	-33,82	-3,02	-14,2	-34,61
7	-3,037	-12,7	-29,92	-5,03	-12,8	-24,06
8	-4,758	-14,2	-29,23	-8,82	-12,7	-12,01

(1 - Дезоксипеганин гидрохлорид, 2 – Дезоксивазицинон, 3 – Хинолин, 4 – Изохинолин, 5 - 2-тио-6-метилпиримидинон, 6 - 5-амино-2-нитропиридин, 7 - N-метилцитизин, 8 - 6-метилурацил)

Шу билан бир каторда $G = f(n_C, N(\text{H}_2\text{O}))$ боғлиқлигини ифодаловчи сорбцияланиш жараёнида Гиббснинг сирт эркин энергиясини молекула таркибидаги углерод атомлари сони (молекуляр дискрептор сифатида) (n_C) ва элюент таркибадаги сувнинг ҳажмий улушига ($N(\text{H}_2\text{O})$, % да) боғлиқлик графиги 3D форматда тузилди ва унинг натижаси 5-расмда келтирилган.

5-расмдан кўришиб турибдики, сорбцияланиш жараёнида Гиббс эркин энергиясининг миқдори элюент таркибадаги сувнинг ҳажмий улушига ҳамда сорбат молекуласи таркибидаги углерод атомлари сонига боғлиқ ҳолда ўзгариб, элюент таркибидаги сув миқдорининг ошиши сорбция жараёнини мурожаат фазали суюқлик хроматографияси шароитида ўз-ўзидан боришини осонлаштиришга олиб келиши қайд этилди.



5-расм. Гиббс эркин энергияси сиртининг (n_C) ва элюент таркибадаги сувнинг ҳажмий улушига ($N(H_2O)$, % да) боғлиқлик графиги ЮССХда пиримидинон-4 ҳосилаларининг ушланиш қонуниятлари.

Тадқиқотлар учун пиримидинон-4 нинг бром-дибром-, нитро-, динитро ҳосилалари ЎзРФА ўсимлик моддалари кимёси институтида синтез қилинган бўлиб, уларнинг ушланиш катталиклари “Agelent 1200” суюқлик хроматографида элюент сифатида метанол, сув ва ацетонитрилдан иборат аралашма ишлатилган ҳолда С-18 мурожат фазали сорбент билан тўлдирилган колонкада аниқланди. Компонентларнинг физик-кимёвий характеристикалари сифатида молекула ён занжиридаги углерод атомлари сони (n_c), молекула кутбланувчанлиги ва рефракцияси ишлатилди. Пиримидинон-4 ҳосилаларининг кутбланувчанлиги ва рефракцияси Нурет Chem 8.0 дастури ёрдамида ҳисобланди. Ушланиш катталигининг логарифлик қиймати билан физик-кимёвий катталиклар ўртасидаги ўзаро боғлиқлар корреляция коэффицентини қисқа квадратлар усулида аниқлаш ёрдамида баҳоланди. Пиримидинон-4 ҳосилаларининг ушланиш катталиклари логарифлик қийматлари билан физик-кимёвий характеристикалари ўртасида ўрнатилган аналитик боғлиқликлар 3-жадвалда келтирилган. Унда келтирилган маълумотлар асосида шуни қайд этиш мумкинки, ўрганилган боғлиқлик қатъий чизиқли, яъни $r^2 \geq 0.97$. Бу гомологик қаторнинг бирдан бошқасига ва синфдан синфга ўтганда инкрементли адекватлик амал қилишини тасдиқлайди. Худди шундан қатъий чизиқли боғланиш n_c ўрнига молекула кутблилиги ёки рефракцияси ишлатилганда ҳам кузатилди.


Пиримидинон-4 ҳосилалари турли синф молекулаларида ушланиш катталиклари билан ён занжирдаги углерод атомлари сонига (n_c) аналитик боғлиқликлари

№	Синф	Элюент таркиби	Боғлиқлик	r^2
1	2,3-полиметилен-3,4-дигидро-хинозалон-4	64:35:1	$y=0,175 n_c + 1,797$	0,9932
2	2,3-полиметилен-3,4-дигидро-хинозалон-4	47:50:3	$y=0,085 n_c + 1,9933$	0,9989
3	2,3-полиметилен-3,4-дигидро-хинозалон-4	72:27:1	$y=0,255 n_c + 1,4367$	0,9968
4	6-бром-2,3-полиметилен-3,4-дигидрохинозалон-4	50:50:0	$y=0,160 n_c + 1,4167$	0,9987
5	6,8-дибром-2,3-полиметилен-3,4-ди-гидрохинозалон-4	50:35:15	$y=0,165 n_c + 1,9733$	0,9924
6	6-нитро 2,3-полиметилен-3,4-дигидрохинозалон-4	64:35:1	$y=0,225 n_c + 1,4600$	0,9985
7	6,8-динитро-2,3-полиметилен-3,4-ди-гидрохинозалон-4	50:50:0	$y=0,190 n_c + 1,4167$	0,9963

Ўрнатилган аналитик боғлиқликлар берилган гомологик қатор бошқа вакиллариинг ушланиш катталикларини олдиндан айтиш ва пиримидинон-4 ҳосилалари аралашмасидан компонентларни ажратиш жараёнини баҳолашда қўлланилди.

Диссертациянинг **“ЮССХ гетероциклик бирикмаларни ажратиш ва реакциялар кинетикасини ўрганишда қўллаш”** деб номланган IV бобида гомовератриламиннинг брассил кислотаси билан конденсатланиш ва циклланиш реакцияларининг кинетикаси тадқиқ этилган.

Гомовератриламин (1) билан брассил кислотаси ўртасида борадиган конденсатланиш ва циклланиш реакциялари қуйидаги схема бўйича боради:



Синтез қилинган моддаларнинг структураси ЯМР, ИҚ-, масс-спектоскопия усуллари ёрдамида ўрнатилган. Реакцион аралашма ташкил этувчи компонентларини ажратиш ҳамда сифат ва миқдорий анализи УБ


детектори билан жиҳозланган “Shimadzu LC20” хроматографида амалга оширилди. Реакцион аралашма компонентларнинг идентификацияси ушланиши вақтини солиштириш (“гувоҳ” усули) амалга оширилди бунинг учун дастлабки реагентлар ва тозаланган реакция маҳсулотлари якка тартибда хроматографланди ва уларнинг ушланиш катталиклари аниқланди.

Конденсатланиш (6-расм) ва циклланиш (7-расм) реакциялари кинетикасини ўрганиш учун реакция аралашмадан ҳар 30 минутда намуна олиниб ЮССХ усулида анализ қилинди. Модда миқдорини аниқлашда мутлақ даражалаш усулидан фойдаланилди.

Конденсатланиш ва циклланиш учун топилган фаолланиш энергияларининг қийматлари мос равишда 172,3 кж/моль ва 118,8 кж/моль га тенг бўлиб, улар 5% четланиш билан квант-кимёвий ҳисоблашлар натижалари билан келишади.


Шундай қилиб, ЮССХда аниқланган шароитлар реагентлар, интермедиатлар ва маҳсулотлардан иборат бўлган реакция аралашмалар компонентларини кониқарли даражада ажратиш ва реакциялар кинетик қонуниятларини ўрганиш имконини берди.

Шу билан бир қаторда полизалон-4 бромли ҳосилаларнинг юқори самарали суюқлик хроматографияси ҳам ўрганилди ва мононитрополизалон-4 лар аралашмасини ажратишнинг мақбул шароитлар аниқланди: элюент – сув:ацетонитрил: метанол = 64:35:1, ҳаракатчан фаза тезлиги – 0,75 мл/мин. Детектор УБ, тўлқин узунлиги 280 нм.



6-расм. ГВА билан брассил кислота ўртасидаги конденсатланиш реакцияси маҳсулотларининг хроматограммаси

ЮССХ усулида мураккаб таркибли аралашмаларни ажратиш ва анализ қилиш услубияти изохинолин қатори моддалар синтези жараёнида ҳосил бўлган моддалар таркиби ва миқдорини, ушланиш қонуниятларини ҳамда реакцияларнинг кинетик катталикларини аниқлашда амалиётга жорий этилди.



7-расм. Тетрагидроизохинолин синтези реакцион аралашмасининг хроматограммаси

“Изохинолин қатори моддаларининг юқори самарали суюқлик хроматографияси” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Изохинолин қатори моддалари ва улар аралашмаларини ажратиш ва анализ қилишнинг мақбул шароити танланган бўлиб (ўлчами 4,0x250 мм бўлган заррачалари 5 мкмли Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган хроматографик колонка, элюент – $H_2O : CH_3CN : CH_3OH = 64:35:1$, $\vartheta = 0,4 \div 1,0$ мл/мин., детектор – диод матрицали ёки УБ ($\lambda = 254$ нм), ушбу шароитда R_s нинг қиймати 0,75 дан юқори эканлиги қайд этилди.

2. Изохинолин қатори моддалари ва улар синтез маҳсулотларини ЮССХ сида ушланиш қонуниятлари ўрнатилган бўлиб боғлиқлик даражаси корреляция коэффиценти қийматининг 0,97 дан юқорилиги билан изоҳланади.

3. ЮССХ да “ушланиш катталиги - структура” ўзаро боғлиқликларни пиримидинон-4 ва изохинолин қатори моддалари учун ўрганишда топологик дескрипторлардан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган. Унга кўра $lgt = f(\text{топологик индекс})$ ўзаро боғлиқликнинг корреляция коэффиценти 0,975 дан юқори эканлиги қайд этилди.

4. Пиримидинон-4 ва изохинолин қатори моддаларининг берилган турғун фазада (Eclipse XDB C-18) сорбцияланишнинг дифференциал моль энтальпияси (ΔH°), энтропияси (ΔS°) ва эркин энергияси (ΔG°) қийматлари аниқланди. Сорбцияланиш жараёни ўз-ўзидан боришини кўрсатиши қайд этилди.

5. Изохинолин қатори моддалари синтезида ўрганилган конденсатланиш ва циклланиш реакцияларнинг кинетик параметрлари (рекция тезлик доимийси, реакция тартиби, фаолланиш энергияси) аниқланган улар асосида реакциялар механизмлари ўрнатилган. Унга кўра конденсатланиш реакцияси учун $E = 172,3 \frac{kJ}{mol}$, $n = 1$ ва циклланиш реакцияси учун $E = 118,8 \frac{kJ}{mol}$, $n = 1$.

6. ЮССХ усулида мураккаб таркибли реакцион аралашмаларни ажратиш ва анализ қилиш услубияти изохинолин қатори моддалар синтези жараёнида ҳосил бўлган моддалар таркиби ва миқдорини, ушланиш қонуниятларини ҳамда реакциялар кинетик катталикларини аниқлашда амалиётга жорий этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/03/30.12.2019.К.02.05 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РУЗИЕВ ИЛЁС ХАКИМОВИЧ

**ВЫСОКОЭФФЕКТИВНАЯ ЖИДКОСТНАЯ ХРОМАТОГРАФИЯ
СОЕДИНЕНИЙ ИЗОХИНОЛИНОВОГО РЯДА**

02.00.04 - Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/K92.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу www.samdu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Мухамадиев Нурали Курбаналиевич
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Эшмаматова Нодира Бахрамовна
доктор химических наук, доцент

Дустов Сайфулло Идиевич
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» 07 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, физико-химический корпус, 3 этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxonon@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № 29. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «2» 07 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 11 от «1» 07 2021 г)



А.М. Насимов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ш.М. Сайиткулов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.х.н., доцент

Р. Нормухоматов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире методы разделения веществ, в том числе хроматографические, как метод физико-химических исследований, разделения, качественного и количественного определения соединений занимает важное место в различных отраслях промышленности и приборостроении современной химии и производства. Хроматографические методы позволяют разделять и идентифицировать компоненты от простых молекул до вирусов, сложных синтетических и природных смесей, осуществлять мониторинг окружающей среды, автоматизировать технологические процессы, оценивать патологические состояния, а также использование различных детекторов привело к увеличению чувствительности (10^{-14}) и точности методов. В то же время работа над расширением области применения хроматографии, в том числе высокоэффективной жидкостной хроматографии (ВЭЖХ), считается важным.

В мире из-за того, что гетероциклические соединения содержат гетероатомные дескрипторы, проявляющие различные физиологические свойства, проводятся исследования по синтезу азотсодержащих соединений, механизма реакции и определению физиологической активности получаемых продуктов. В этом направлении были синтезированы ряд веществ: используемых при лечении различных заболеваний, проявляющие различные физиологические, в том числе фармакологические свойства, изучена их структура и химическая реакционная способность. Вместе с этим особое внимание уделяется на идентификации, изучение кинетики реакций и способности удерживания гетероциклических соединений с использованием высокоэффективной жидкостной хроматографии.

В нашей стране особое внимание уделяется хроматографическому моделированию и оптимизации, их применению при изучении различных процессов, выделении гетероциклических соединений из растений, их синтезу, определению структуры и исследованию их свойств, достигнуты определенные результаты. Стратегия действий¹ по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, разработки принципиально новых продуктов и технологий, обеспечивая тем самым конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и зарубежном рынках». Большое практическое значения имеют создание современных методов исследования, изучение закономерностей удерживания, термодинамика сорбции, кинетики реакций, получение физиологически-активных веществ в условиях высокоэффективной жидкостной хроматографии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных указами как ПП-4947 «О стратегии

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»; Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, 28 декабря 2020 года.

дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 23 августа 2017 года, № ПП-3236 «О Программе развития химической промышленности на 2017–2021 годы», № ПП-3479 от 17 января 2018 г. “О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья”, № ПП-4805 “О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии”, и другими нормативно-правовыми актами, относящимися к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетных направлений развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира одновременно разработаны и изучены теоретические основы жидкостной хроматографии, позволяющие проводить разделения и определения составляющих компонентов из сложных смесей, применено как физико-химическое исследование в химии, в качественном и количественном анализе, в изучении кинетики и термодинамики реакций, сертификации лекарственных препаратов в фармацевтике, экологическом мониторинге, при оценке качества пищевых продуктов и в других областях. В связи с этим в этом направлении имеются заслуги таких ученых как Kumar A., Schuster G., Rafferty J.L., Periat A., Guillarme D., Tosti T., Sentkowska A., Bi W., Li Y., Gritti F., Киселев А.В., Сакодинский К.И., Волков С.А., Яшин Я.И., Беленький Б.Г., Даванков В.А., Ланин С.Н., Никитин Ю.С., Щербакова К.Д., Курбатова С.В., Агеев А.Н., Онучак Л.А., Шпигун О.А. и других специалистов значительны, что позволяет получить представление о кинетике и термодинамике процессов, разделения высокоселективно и эффективной колонки, были разработаны устройства, обеспечивающие непрерывность и автоматизацию хроматографического процесса, а также разработаны методические обеспечения для разделения и анализа смесей сложного состава.

